Тошев Отабек Содиқович,
Одил судлов академияси
Жиноят-ҳуқуқий фанлар ўқитувчиси,
юридик фанлар фалсафа доктори, (PhD)
E-mail: OtabekToshev0610@gmail.com

АЁЛНИ ЭРГА ТЕГИШГА МАЖБУР ҚИЛИШ ЁКИ УНИНГ ЭРГА ТЕГИШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий никоҳга қарши курашиш ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантиришнинг қанчалик муҳим эканлигига эътибор берилди. Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жиноятининг ҳуқуқий асослари ҳамда аёлларнинг эркин турмуш қуриш ҳуқуқининг бузилиши ёки мажбурий никоҳларга йўл қўйилиши каби жиноятларнинг содир қилиниши ижтимоий ва ҳуқуқий муаммолари ўрганилди. Шунингдек, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жинояти умумий тавсифи, жавобгарлик ўрнатилиш тарихи ва жавобгарлик ўрнатиш зарурати масалалари бўйича илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган бўлиб, бу борада муаллифлик таклиф ҳамда тавсиялари илгари сурилган. Ушбу муҳим масала юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, мамлакатимиз жиноят қонунчилиги тизимида уни ривожлантириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: оила, никоҳ, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш, эрга тегишига тўсқинлик қилиш, мажбурий никоҳ, аёлларга нисбатан зўравонлик, гендер тенглик, никоҳ эркинлиги.

ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПРИНУЖДЕНИЕ ЖЕНЩИНЫ ВЫЙТИ ЗАМУЖ ИЛИ ПРЕПЯТСТВИЕ ЕЕ ВЫЙТИ ЗАМУЖ

АННОТАЦИЯ

В этой статье подчеркивается важность защиты прав женщин, борьбы с принудительным браком и развития правового сознания и культуры в обществе. Изучены правовые основы преступления принуждения женщины к вступлению в брак или воспрепятствования ее вступлению в брак, а также социальные и правовые проблемы совершения таких преступлений, как нарушение права женщин на свободный брак или принудительные браки. Также проведен научно-теоретический анализ общей характеристики преступления принуждения женщины к вступлению в брак или воспрепятствования ее вступлению в брак, истории установления ответственности и необходимости установления ответственности, выдвинуты авторские предложения и рекомендации. Изучен опыт зарубежных стран по данному важному вопросу, разработаны предложения и рекомендации по его развитию в системе уголовного законодательства нашей страны.

Ключевые слова: семья, брак, принуждение женщины к вступлению в брак, воспрепятствование вступлению в брак, принудительный брак, насилие в отношении женщин, гендерное равенство, свобода брака.

Оила жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг осойишталиги ва фаровонлиги жамиятнинг барқарорлигига бевосита таъсир қилади. Жамиятнинг тинч ва тараққий этган бўлиши, энг аввало, оилаларнинг мустаҳкамлиги ва осойишталигига боғлиқ. Оилада барқарорлик ва бахт-саодат ҳукм суриши учун ҳар бир аъзо ўз масъулиятини англаб, уни тўлақонли бажара олиши лозим. Келажак авлод нафақат жамият ва давлат шаклланишида

иштирок этади, балки ушбу жамиятнинг ажралмас қисми сифатида унинг барча имкониятларидан баҳраманд бўлади. Янги авлоднинг ҳар томонлама – маънавий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан етук бўлиши мамлакат тараққиётининг муҳим шартларидан биридир. Оилани шакллантиришда никоҳ асосий омил бўлиб, унинг мустаҳкам ва барқарор бўлиши жамият ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Никоҳ муносабатлари қанчалик эркин ва ихтиёрий бўлса, шунингдек, давлат томонидан белгиланган талаблар асосида амалга оширилса, бундай оилалар мустаҳкам ва обрўли бўлиб, уларда вояга етаётган фарзандлар ҳам комил инсон сифатида тарбияланади.

Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга чиқишига тўсқинлик қилиш жинояти - бу шахснинг шахсий эркинлиги, ижтимоий ҳуқуқлари ва инсон шаънига қарши содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Мазкур жиноятнинг моҳияти шундаки, у аёлнинг ўз хоҳиш-иродасига зид равишда, турмуш қуришга мажбурлаш ёки у истаган шахс билан никоҳ тузишига сунъий тўсқинлик қилиш шаклида намоён бўлади. Бу ҳаракатлар аёлнинг Конституция ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган асосий ҳуқуқларини бузади.

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг шаклланиши босқичида, яъни мустақилликдан аввалги совет даврида, шахсий ва оилавий муносабатлар кўпроқ фуқаролик қонунчилиги доирасида тартибга солинган. Жиноят қонунчилигида эса бу каби ҳаракатлар алоҳида жиноят сифатида белгилаб қўйилмаган. Бироқ совет мафкураси доирасида “аёлларни озод қилиш” сиёсати олиб борилган бўлсада, бу амалда анча чекланган кўринишда бўлган. Айниқса, қишлоқ жойларда мажбурий никоҳлар, вояга етмаганларни турмушга чиқариш, қариндошлар ўртасидаги никоҳлар каби ҳолатлар сақланиб қолган.

Тарихий манбаларга кўра, Ўзбекистонда XX аср бошларида аёлларни розилигисиз турмушга чиқариш ҳолатлари кенг тарқалган бўлган. Бу ҳолатга қарши курашиш борасида 1920 йилларда Совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ислоҳотлар, жумладан, шаръий никоҳ тизимининг бекор қилиниши, аёлларнинг никоҳдаги тенг ҳуқуқларини кафолатловчи қонунлар муҳим роль ўйнаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенглигини қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида муҳим қадамлар қўйила бошланди. 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ушбу жиноят алоҳида модда сифатида киритилиши шундан далолат беради.

Жиноят учун жавобгарлик ўрнатиш зарурати бир неча асосий омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, аёлларни розилигисиз турмушга чиқариш - инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши бўлиб, бу нафақат шахсий фожиа, балки жамиятда аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий мақомига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, бундай ҳолатлар кўпинча оилавий зўравонлик, руҳий тушкунлик, ҳаттоки ўзини ўзи ўлдириш каби оғир оқибатларга олиб келади.

Учинчидан эса – гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш зарурати. БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси (CEDAW)га Ўзбекистон 1995 йилда қўшилган ва унга мувофиқ, давлат аёлларнинг никоҳ тузишдаги ихтиёрийлик ҳуқуқини кафолатлашга мажбурдир.

Фактларга мурожаат қилсак, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2020 йилги ҳисоботида аёлларни мажбуран турмушга чиқариш ҳолатлари қатор ҳудудларда қайд этилган. Шунингдек, 2021 йилда АОКА томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 13 фоизи қизларнинг розилигисиз турмушга чиқарилиши ҳолатлари мавжудлигини билдирган. Бу эса ушбу жиноятга нисбатан қонунчиликда қатъий жавобгарлик чораларини белгилаш муҳимлигини кўрсатади.

Жавобгарликни ўрнатиш, биринчидан, аёлнинг шахсий эркинлигини ҳимоя қилади, иккинчидан, жамиятда ҳуқуқий онг ва гендер тенглигини мустаҳкамлайди, учинчидан, аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига имкон яратади. Давлат томонидан бу жиноятга қарши қонунчиликда жавобгарлик белгиланиши, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида уни амалий жиҳатдан олдини олиш чоралари кўрилиши зарур.

Сўнгги йилларда аёлларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий ҳимояси масалаларида сезиларли ютуқларга эришилаётган бўлса-да, 2022–2023-йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва “Хотин-қизлар қўмитаси” томонидан ўтказилган мониторингларда аёлларнинг розилигисиз турмуш қуришга мажбурланиш ҳолатлари ҳануз айрим ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда учраётгани қайд этилган. Масалан, 2023-йилда Навоий ва Қашқадарё вилоятларида рўй берган бир нечта ҳолатларда вояга етмаган қизлар ўз розилигисиз никоҳга мажбурланган ва бу ҳолат прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилган ҳолатда кўриб чиқилган.

Яна бир муҳим ҳолат айрим ҳолларда аёлларнинг эркин турмуш қуришига диний ёки урф-одатларга асосланган босимлар билан тўсқинлик қилинмоқда. Бу ҳолат, айниқса, “номус” ва “оила шаъни” каби тушунчаларга таяниб, уларнинг шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқларини чеклаб қўяди. Шу нуқтаи назардан қаралганда, аёлларни эрга мажбуран чиқариш ёки эркин танловига ғов бўлиш ҳолатлари фақат жиноий эмас, балки ижтимоий ва маданий муаммо сифатида ҳам қаралиши керак.

Жиноят кодексида ушбу ҳаракат учун белгиланган жазо нисбатан енгил (жарима ёки озодликни чеклаш) бўлгани сабабли, ҳуқуқшунослар ва гендер экспертлари бу жиноят учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус институтлар ва механизмларни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидламоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти томонидан 2022 йилда тасдиқланган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган стратегия” да аёлларнинг никоҳ эркинлигини ҳимоя қилиш устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилган. Мазкур стратегияда аёлларга нисбатан камситиш ва босимларга қарши курашиш, уларнинг шахсий ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Мазкур жиноятга қарши курашиш нафақат жиноятга нисбатан жавобгарликни белгилаш, балки ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий маданиятни ошириш, гендер тенглигини мустаҳкамлаш орқали амалга оширилиши керак. Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатадики, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, айниқса аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай, айрим ҳудудларда ҳали ҳам мажбурий никоҳ, ёш қизларни эрта турмушга бериш, ёки аёлнинг розилигисиз уни турмуш қуришга мажбурлаш каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда.

Мазкур ҳолат бевосита ушбу жиноятнинг “латент” жиноят бўлиб қолаётганлигидан далолат беради. Чунки юртимиздаги аксарият аҳоли буни ижтимоий хавфли қилмиш деб ҳисоблашмайди ҳамда қизлар буни ўзларига нисбатан жиноят деб ҳам баҳолашмайди. Бу эса жиноятнинг яширин бўлиб қолишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, аёлнинг ўз истагига биноан турмуш қуришига турли ижтимоий, оилавий ва маданий босимлар орқали ғов бўлиш ҳолатлари ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Мазкур ҳаракатлар аёлнинг шахсий эрки, ор-номуси ва инсоний қадр-қимматини поймол этувчи жиддий ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Зеро бу каби хатти-ҳаракатлар учун мамлакатимизнинг Жиноят кодексида жавобгарлик таъминланган бўлсада, реал ҳаётда ушбу қонун нормаларининг тўлақонли қўлланилмаётганлиги ҳамда ҳуқуқий маданият даражасининг етарли даражада эмаслиги ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мажбурий никоҳларнинг реал кўлами ҳақида аниқ маълумот олиш жуда қийин, мавжуд статистикалар эса ҳолатларни жиддий равишда кам баҳолаши эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур мавзуни ўрганиш орқали аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий никоҳга қарши курашиш ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантиришнинг қанчалик муҳим эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Аёлларнинг эркин турмуш қуриш ҳуқуқининг бузилиши ёки мажбурий никоҳларга йўл қўйилиши каби жиноятларнинг содир қилиниши жамиятда бир қатор чуқур илдиз отиб бўлган ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Аввало, бу ҳолатларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлаётган энг муҳим омиллардан бири - бу аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти даражасининг етарли даражада эмаслигидир. Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар орасида аёлларнинг шахсий ҳаётга оид танловларини амалга ошириш ҳуқуқи ҳақида етарли билим ва тушунчанинг мавжуд эмаслиги, бу борадаги салбий ҳолатларнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Яна бир муҳим омил бу - анъанавий қадриятлар ва ижтимоий босимлар десак адашмаган бўламиз. Кўпгина оилаларда “ота-она танлови фарзандникидан устун туради” деган қарашлар сақланиб қолган бўлиб, бу ҳолат қиз болани ўз иродасига зид равишда турмуш қуришга мажбурлаш каби салбий оқибат билан якунланади. Зеро демократик давлатларда ҳар ким эркин фикрлаши ва эркин қарор қабул қилиши таъминланган бўлади. Энг ачинарлиси бу каби ҳолатлар натижасида кўпгина оилалар бузулиб кетиб, кўплаб ёшларнинг бахтсиз бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бу каби ижтимоий меъёрлар кўпинча юртимизда ўрнатилган қонун нормаларидан устун қўйилади ва аёлнинг эркин танлови эътиборсиз қолдирилади.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда бу каби ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлишига қарамай, уларнинг қўлланиш самараси пастроқ ҳисобланади. Бу эса жиноят кодексидаги тегишли нормаларнинг самарасизлигидан ва қонун ижросининг етарли даражада таъминланмаётганлигидан далолат беради.

Зўравонлик ҳолатларини яшириш ёки бу борада сукут сақлаш ҳолатлари ҳам мазкур муаммонинг илдиз отиб, кенг тарқалишига олиб келмоқда. Аёлларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқлансада, жамиятдаги ижтимоий босим, уялиш ҳисси ёки яқинларининг салбий муносабати сабабли улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга журъат қила олмайди. Натижада мажбурий никоҳ ва босимга асосланган турмуш ҳолатлари очиқ юзага чиқмай, яширин бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликни мустаҳкамлаш, аёл ва қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланганлиги ҳаммага маълум. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг турли баёнот ва чиқишларида аёллар ҳуқуқлари, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда оилавий муносабатларда эркин қарор қабул қилиш ҳуқуқи масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг 2022 йил 7 март санасида қилган чиқишида аёлларни мажбуран турмуш қуришга ундаш ёки уларнинг эркин никоҳ танлаш ҳуқуқини чеклаш ҳолатларига қарши қатъий курашиш лозимлигини билдирди. Аёлларнинг ўз иродасига асосланган турмуш қуриш ҳуқуқи нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий жиҳатдан ҳам муқаддас ҳисобланиши зарурлиги алоҳида урғу билан таъкидланди. Бундай ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонуний жавобгарлик муқаррар бўлиши кераклиги Президент нутқларида аниқ баён қилинган.

Мазкур позиция, хусусан, Жиноят кодексининг 136-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг турмуш қуришига тўсқинлик қилиш жиноят ҳисобланади ва бунинг учун белгиланган жазолар мавжуд. Ушбу ҳуқуқий механизмлар орқали аёллар шахсий ҳаёти, ижтимоий мақоми ва инсоний шаъни ҳимоя қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг шахсий ҳуқуқлари, хусусан, уларнинг ўз ихтиёри асосида турмуш қуриш ҳуқуқини таъминлаш масаласи мустақиллик йилларидан буён ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларда долзарб мавзу бўлиб келмоқда. Ушбу жиноят Жиноят кодексининг 136-моддаси билан алоҳида тартибга солинган бўлиб, мазкур нормаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, уларнинг амалиётда қўлланишини таҳлил қилиш ҳозирги даврда муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Зеро ҳар бир юртда оила мустаҳкам бўлса, юртнинг тинчлиги ҳам равнақи ҳам ошиб бораверади.

Бу борадаги ҳуқуқий асослар сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят кодекси, Оила кодекси, “Аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги Қонун, шунингдек, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш миллий стратегияси” муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг барчаси фуқароларнинг шахсий ҳаётига дахл қилмаслик, никоҳга эркин розилик принципини таъминлаш ва мажбурий никоҳларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишда халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган мониторинг ва таҳлилий тадқиқотлар ҳам мавзунинг ижтимоий долзарблигини тасдиқлайди. Хусусан, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (УНФПА), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан эълон қилинган ҳисоботларда аёлларни мажбурий турмуш қуришга ундаш ёки уларнинг эркин танловини чеклаш ҳолатлари ижтимоий хавфли ҳодиса сифатида талқин қилинган.

БМТ томонидан Аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф этиш декларацияси (1967 й.) ҳамда Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларини бартараф этиш ҳақидаги конвенция (1979 й.) қабул қилинган. Айнан иккинчи ҳужжатда аёлларнинг коллектив ва индивидуал ҳуқуқлари ҳимояси масаласига кучлироқ урғу берилган.

Умуман олганда, ўтган асрнинг 70-йиллари дунё миқёсида аёллар тенг ҳуқуқлилиги масалаларида уйғониш, жадаллашув сезилган давр бўлди десак адашган бўлмаймиз. Хусусан, 1975 йилнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро аёллар йили, деб аталиши, 1976-1985 йиллар оралиғидаги даврнинг эса “Тенглик, тараққиёт, тинчлик” шиори остида БМТ Аёллар Ўн Йиллиги эълон қилиниши фикримиз исботидир. 1979 йилги БМТ Конвенцияси эса эркак ва аёлларнинг ҳуқуқий асосга бўлган ҳуқуқ ва имкониятларини тенглаштириш вазифасини кўндаланг қўйган, мазкур масалага бағишланган принципиал аҳамиятли илк халқаро ҳужжат бўлди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Вена халқаро конференцияси Бош Ассамблеяга Аёлларга нисбатан зўравонлик ҳақида декларация қабул қилишни таклиф қилди ва мамлакатларни бундай шармандали ҳолат билан курашишга чорлади. 1993 йилнинг 20 декабрида Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш ҳақида декларация қабул қилинди. Унга кўра, БМТга аъзо давлатлар БМТ органларига инсон ҳуқуқлари борасида тақдим этадиган ҳисобот маърузаларига аёлларга нисбатан зўравонлик ва унга қарши кўрилаётган чораларга оид маълумотлар, шунингдек, мазкур масаладаги тенденциялар таҳлилини ҳам киритиши лозим бўлди. Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Комиссияси томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик масалалари юзасидан махсус маърузачи тайинланди.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқлари учун миллий ва халқаро миқёсда амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлардан қатъи назар, маиший зўравонлик, тажовузлар, иш ҳақларидаги номутаносиблик, меҳнат ҳуқуқларининг камситилиши каби муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг 2021 йил 8 март ҳамда 2022 йил 7 март саналаридаги чиқишларида аёлларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш, уларга нисбатан ҳар қандай тазйиқларга йўл қўймаслик, шунингдек, мажбурий никоҳ ҳолатларига қарши кескин чора кўриш зарурлигини таъкидлаган. Бу сиёсий эътироф ушбу жиноят турининг нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам кескин муаммо эканини кўрсатади.

Шунга қарамай, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг турмуш қуриш ҳуқуқини чеклаш билан боғлиқ жиноят таркиби, суд-амалиётдаги қўлланилиши, жиноятни аниқлашда дуч келинаётган ҳуқуқий бўшлиқлар ва жиноят-процессуал механизмлар ҳали тўлиқ илмий асосда ёритилмаган. Шу боис мазкур мавзуни ҳуқуқий, амалий ва назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш муҳим илмий ва ижтимоий вазифа бўлиб қолмоқда**.**

Аёлларни ўз ихтиёрига зид равишда турмуш қуришга мажбурлаш ёки ўз танлаган инсони билан оила қуришига тўсқинлик қилиш – бу нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам жиддий ижтимоий хавфга оид бўлган ҳаракат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддасида ушбу ҳаракат жиноят сифатида белгиланган.

Мазкур норма доирасида тушунилиши лозим бўлган асосий тушунчалардан бири бу – мажбур қилиш ва тўсқинлик қилиш ибораларидир. Аёлни эрга чиқишга мажбур қилиш – бу унинг розилигисиз, таҳдид, босим ёки зўравонлик орқали турмуш қуришга ундашдир. Бунда жисмоний куч ишлатиш, руҳий тазйиқ, қўрқитиш, мулкий ёки ижтимоий босимлар асосий восита сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, аёлнинг танлов эркинлигини бузиш орқали унинг эрга чиқиш ҳуқуқини чеклаш, яъни унга тўсқинлик қилиш ҳам худди шундай жиноят сифатида баҳоланади.

Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш, аёлни ўз эркига хилоф равишда никоҳ қуришга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш мақсадида аёлларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатилишини тушуниш лозим.

Мазкур моддада назарда тутилган маънода жисмоний зўрлик ишлатилиши деганда, аёлни калтаклаш, дўппослаш, унинг баданига уенгил ёки ўртача оғир шикаст етказилишини тушуниш зарур.

Мазкур ҳолатда аёлнинг баданига оғир шикаст етказилганда айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тарзида ЖКнинг 136 ва 104-моддалари бўйича квалификация қилинади.

Руҳий зўрлик ишлатиш деганда, жисмоний зўрлик ишлатиш, аёлнинг ўз хоҳишига хилоф равишда турмушга чиқишига ёки никоҳда яшашга мажбурлаш мақсадида унга нисбатан таҳдид, босим, қўрқитиш, камситиш ёки бошқа руҳий босим чораларини қўллаш тушунилади. Айбдор аёлни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитган ҳолатларда, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 112-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилинмайди.

Аёлни ўғирлаш - аёлни ўз эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш ёки уни эрга тегишга мажбурлаш мақсадида алдаш ёки зўрлик ишлатиш йўли билан уни эгаллаб олиш ва унинг розилигисиз бошқа жойга кўчиришдан иборат ҳаракатдир.

Аёлни унинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш Жиноят кодексининг 137-моддаси билан жиноятлар мажмуи тарзида квалификация қилинмайди. Агар жабрланувчини у билан никоҳда бўлиш мақсади бўлмай туриб ўғирлаган бўлса, Жиноят кодексининг 137-моддаси бўйича алоҳида квалификация қилиниши лозим.

Аёл киши урф-одатга кўра никоҳдан ўтиш учун ўғирланган бўлиб, агар бу ҳолатда аёлнинг ўзи розилик берган бўлса, Жиноят кодексининг 136-моддаси бўйича жавобгарлик истисно этилади.

Агар ўғирлаган аёл 16 ёшга тўлмаган бўлса ва айбдор бу ҳолатни билган ҳолда, унинг розилигига таяниб у билан жинсий алоқага кирса ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи сифатида Жиноят кодексининг 136 ва 128-моддалари бўйича квалификация қилинади.

Аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш - унинг ўз хоҳиш-иродасига кўра эрга тегишига йўл қўймаслик мақсадида жисмоний ёки руҳий зўрлик (қўрқитиш) ишлатиш орқали амалга ошириладиган ҳаракатдир.

Аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилишда ишлатиладиган жисмоний ёки руҳий зўрлик, одатда, аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбурлашда

қўлланиладиган воситалар билан ўхшаш бўлади. Ушбу ҳаракатлар яқин қариндошлар ёки бошқа шахслар томонидан амалга оширилган бўлса ҳам, аёлнинг эркин танловини бузиш бўйича ҳар қандай шаклдаги аралашув жиноят ҳисобланади.

Мазкур ижтимоий хавфли қилмишнинг хорижий мамлакатлар тажрибасида қандай ҳуқуқий тартибга солиниши ва унга нисбатан белгиланган жавобгарлик чораларини таҳлилига тўхталсак, **АҚШ**да аёлни мажбурий никоҳга мажбурлаш ёки унинг эркин никоҳ тузишига тўсқинлик қилиш инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида қаралади. Федерал даражада бу ҳаракат алоҳида жиноят деб белгиланмаган бўлсада, у одам савдоси (Trafficking Victims Protection Act, 2000), мажбурий меҳнат ёки вояга етмаганлар билан ноқонуний никоҳ доирасида баҳоланади.

Tahirih Justice Center томонидан 2011-йилда ўтказилган миллий сўровда аниқланишича, АҚШда мажбурий никоҳ хавфи остида қолган 3.000 дан ортиқ ҳолат қайд этилган. 2021 йил ҳолатига келиб, АҚШнинг 45 та штатида 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг никоҳ тузиши қонуний тарзда рухсат этилгани аниқланган бўлиб, бундай ҳолат вояга етмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига, уларнинг соғлом ривожланиши ҳамда шахсий дахлсизлигига бевосита таҳдид солувчи омил сифатида эътироф этилади. АҚШ Олий суди Loving v. Virginia (1967) ишида никоҳ эркинлиги конституциявий ҳуқуқ эканлигини эътироф этган. Шунингдек, АҚШ Давлат Департаменти томонидан юритиладиган Forced Marriage Initiative дастури орқали жабрланувчиларга ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади. Буларнинг барчаси мажбурий никоҳга қарши тизимли ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

АҚШда мажбурий никоҳ ҳолатларининг кўплаб шакллари жиноят деб тан олинсада, уларнинг олдини олишда ягона федерал қонун доирасидаги ёндашув етарли эмаслиги сақланиб қолмоқда. Шу сабабли Forced Marriage Initiative каби дастурлар орқали АҚШ Давлат департаменти ва ноҳукумат ташкилотлари жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Мажбурий никоҳга қарши қонунчиликни кучайтириш АҚШда фуқаролик эркинликлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Федерал даражада ягона мажбурий никоҳга қарши қонуннинг йўқлиги, айниқса вояга етмаганлар орасида бу жиноятнинг яширин шаклларда сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Россия Федерациясининг амалдаги қонунчилигида аёлни мажбурий равишда турмушга чиқишга ундаш ёки унинг эрга чиқишига тўсқинлик қилиш инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида қаралади. Бу ҳаракатлар Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 126-моддаси “Шахсни озодликдан маҳрум қилиш” ҳамда 133-моддаси “Мажбурий хатти-ҳаракатлар содир этишга ундаш” билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Гарчи алоҳида АҚШ давлатидаги каби “мажбурий никоҳ” моддасига эга бўлмасада, мажбурий равишда никоҳ тузишга ундаш зўравонлик, психологик босим ёки одам савдоси элементлари орқали амалга оширилса, бу жиноят ҳисобланади.

Германияда мажбурий никоҳ жинояти Жиноят кодексининг 237-моддаси орқали тартибга солиниб, жисмоний тазйиқ билан бир қаторда психологик босим, оилавий ва ижтимоий мажбурлаш ҳолатлари ҳам жиноят таркибига киритилган.

Буюк Британияда 2014 йилда қабул қилинган “Мажбурий никоҳга қарши қонун” асосида жиноятчига 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланган ва суд томонидан махсус ҳимоя ордерлари чиқариш амалиёти мавжуд.

Никоҳ эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари таъминоти замонавий демократик жамият ва ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳар бир инсон, шу жумладан аёлнинг ўз ихтиёри билан никоҳ тузиш ёки кирмаслик ҳуқуқига эга экани халқаро ва миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган. Бироқ амалиётда айрим ҳудудларда мажбурий никоҳлар, аёлнинг ўз истагига зид равишда турмушга берилиши ёки никоҳ тузишига сунъий тўсиқлар қўйилиши ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 136-моддасида аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиланган бўлсада, мазкур нормаларнинг амалдаги татбиқи етарли самарадорлик бермаётгани аниқланган. Чунки мазкур норма жиноятнинг барча шаклларини тўлиқ қамраб олмайди ва мажбурий никоҳ ҳолатларини аниқлаш механизмлари чекланган.

Шу сабабли психологлар ёрдамида мажбурий никоҳларни олдини олишга қаратилган *“Никоҳ розилигини психологик баҳолаш тизими”* лойиҳасини ишга тушириш лозим.

Шунингдек, ёшлар кўмагида мажбурий никоҳга қарши ташвиқот олиб бориш ҳамда халқимизнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш орқали мажбурий никоҳнинг олдини олиш мумкин. Зеро ҳанузгача мажбурий никоҳ баъзи инсон наздида жиноят эмас деб туюлади.

Юқоридагиларга инобатга олган ҳолда, ЖК 136-моддасига **мажбурий никоҳни содир этишда психологик ва ижтимоий босим воситалари орқали зўрлаш** каби номани киритиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мақолада ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистонда мажбурий никоҳ ҳолатларини олдини олиш, аёлларнинг никоҳ эркинлигини таъминлаш ва жиноят жавобгарлигини халқаро стандартларга яқинлаштириш, шунингдек гендер тенглиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Фойдланилган адабиётлар:

1. https://public.sud.uz/report/CRIMINAL
2. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2022-йил 7-март чиқиши
3. Севара Ишмуратова “Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари: халқаро тажриба”, http://nhrc.uz/oz/articles/aellarning-a-uulari-halaro-tazhriba
4. М.Х.Рустамбаев Жиноят кодексига шарҳлар “Yuridik adabiyotlar publish” 2023
5. https://www.state.gov/forced-marriage
6. «Уголовный кодекс Российской Федерации» № 63-ФЗ от 13.06.1996. Совет по правам человека при Президенте РФ, 2013-й йил ҳисоботи.
7. Омбудсман 2022–2023-йиллар ҳисоботлари – www.омбудсман.уз